





## Риштон тумани пахтазорларида ■



## ПАХТАНИ КИМ, ҚАНДАЙ ТЕРЯПТИ?

Бугун вилоятимиз пахтазорлари хаёт қайнашып, пахта хирмонлари күн сайин, соат сайин күккә бүй чўзиб бояпти. Йиғим-терим ишлари айни ҳал қўлувчи паллага кирди. Буни кўриб, пахта мавсумига сафарбарлик беш-олтий йил олдинги кампаниябозлиқдан мутлақо холи, шов-шувларсиз, бир маромда, лекин юксак суръат ва сифат билан кечётганини кўриб, "Шундай қиска ҳам бўлар экан-ку" деган ўй келади одамнинг хаёлига.

Пахта йиғим-терими мавсуми кечидек ёдимизда, ур-сур билан, одамларнинг иш маромини, ҳаловатини бузиш билан бошланар эди. "Ҳамма ёппасига далага" деган ҷақирик янгардиди, бунинг замонида қандай пўлиса борлигини англаган одамлар лом-мим демай, индамагина этагини кўлтиғига кистирди, далага отланарди. Қимирлаган жоҳ борки, пахта теримига сафарбар этиларди. Бу пайдай пахтадан бошча ташвиш йўқ эди гўё. Етти ёшдан етмиш ёшгача пахтани ўйлаб уйкуга кетар, пахта деб ўйлонарди. Олий ўкув юртлари, мактаблар, боғчалар, бозорлар, корхона ташкилотлар тақа-так берилади. Уларнинг эшикларида биргана ёзув бўлади: "Ҳамма пахтада!". Ҳатто шахарларда автобуслар йўналишини ўзгартирниб, далага шахарлик ҳашарчиларни ташиш билан банд эди. Тўйлар тұхтатилади, таъзиялар ҳам...

Бугун далаларда манзара бутунлай бошқада. Қишлоқ одамлари терим билан банд. Улар отрядларга биррикб, этак-этак пахта тери, мумай даромад олишяти.

Ҳаммаси манфаатдорникка боғлик экан. Биз ҳосилини фермер хўжалигимиз азозлари кучи билан териб оляпмиз. Ҳар килоига 1500 сўмдан пулни нақд беряпмиз, — дейди Риштон туманинаги "Ҳошим Ғуломов ери" фермер хўжалиги раҳбари Давлатжон Орзикулов. — Биринчи теримининг ўзида 44 центнердан ҳосил олдик. Максадимиз — бу курасичини 55 центнерга етказиш. Шартнома режасини бир ҳафтада бажардик. Ҳосилимиз мўл бўлди.

Махбубон Рўзматова, Дилобар Ғуломова, Мавжуда Орзикулова сингари теримчиларимиз кунига 150-160 килодан пахта теришишти. Шунга ярши даромад топишшти.

Дарҳакиқат, бугун Риштон туманинаги "Рўзбектекс" хорижий корхонасининг пахта-тўқимачилик кластери пахтазорларидан терилган хосил пешма-пеш пахта заводи томон жўнатилимодга. Заводда дехқонлар пешона тери ёвзига етиширилган 21060 тонна пахта чигитидан ахратилиб, толаси йигирув фабрикасига юборилади ба ёрда толадан сифатли итайёрланади. Шу йил нойзъ ойига бориб, кластер корхонасида тўқув, бўяш ва тикив корхонаси ишга туширилади. Ана шунда пахтада тўлиғ қайта ишланиси, тайёр маҳсулот холида ички ва ташки зиёда ҳосил етиширилди.

Кластер дехқонларга жуда маъкул келди. Улар меҳнатига ярши даромад олишини билгани учун барча агротехникин тадбирларни вактида, сифатли адо этиши. Бугун пахтакорлар етиширилган хосилдан маминун, шартнома режасини бирин-кетин бажарби, юзлари ёргу бўялати. "Шархон холдинг", Келдив номли МТП дан "Ҳошим Ғуломов ери", "Ўлига-они", Топливодиес МТП-нинг "Зоҳидонлик галлакор замини", "Азимжон Отаконбай бони", Уйрат МТП-га карашли "Сулатонбек Юнусали ўғли" ва "Уйрат ёшлиғи файзи" сингари ўнлаб фермер хўжаликлари пахтакорлари шартнома режасини 100-123 фойзданнага бажарби кўйиши. Гектарлар хосилдорлиги 35-55 центнерга етказилиди. Бу ҳали чегара эмас.

Пахта заводи хосилида — пахта пунктида ғарам-ғарам уюлган, кўш нурида товсланиб турган "ок олтини", янги ҳосилдан тайёрланади, йигирув фабрикасига жўнатишга ҳозирлаб кўйилган тола кипларини кўрган кишининг кўзи кунванди. Беихтиёр пахтакор меҳнатига тассано айтасиз!

Бу йил "Рўзбектекс" хорижий

корхонаси пахта тўқимачилик кластери Риштон туманинаги 5950 гектар ерда пахта етиширилган 224 та фермер хўжалиги билан шартнома имзолаган. Кластерда пахта етишириш билан боғлиқ барча жаҳалада дехқонлар бирор нарсадан камчилик сезмадилар. Ҳаммаси ўз ўрнида, оби-тобида етказиб берилди. Натижада "Наманган-77", "С-8290" навли ғўзада кўзланғанидан шамални ҳосил етиширилди.

Кластер дехқонларга жуда маъкул келди. Улар меҳнатига ярши даромад олишини билгани учун барча агротехникин тадбирларни вактида, сифатли адо этиши. Бугун пахтакорлар етиширилган хосилдан маминун, шартнома режасини бирин-кетин бажарби, юзлари ёргу бўялати. "Шархон холдинг", Келдив номли МТП дан "Ҳошим Ғуломов ери", "Ўлига-они", Топливодиес МТП-нинг "Зоҳидонлик галлакор замини", "Азимжон Отаконбай бони", Уйрат МТП-га карашли "Сулатонбек Юнусали ўғли" ва "Уйрат ёшлиғи файзи" сингари ўнлаб фермер хўжаликлари пахтакорлари шартнома режасини 100-123 фойзданнага бажарби кўйиши. Гектарлар хосилдорлиги 35-55 центнерга етказилиди. Бу ҳали чегара эмас.

Туманда терим тизимили ташкил этилган, 93 та отрядга бириккан 11 минг нафар теримчиларни кечага қадар уйган хирмони 12 минг тоннадан ошиб кетди. "Холиков Йўлчибой" фермер хўжалиги раҳбари Гулираённо Холиковна ёш, изланувчан тадбиркор меҳнатига тассано айтасиз!

Бу йил "Рўзбектекс" хорижий

андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтига ўқиб юрганида беруний номли Давлат стипендиаси сохибаси бўлди. Ҳозир магистратуранинг 2-босқицида таҳсил оляпти. Дехқончиликда кўзи пишган Гулираённо дадаси Мўллибий ака пенсияга чиқаёт, 2017 йилда фермер хўжалиги раҳбарлигини олиб, унинг ишини давом этишимокда. Пахтадан, галладан мўл хосил олиб, туманда донгдор хўжалик айланди. Биз боргун куни Гулираённонинг далашига кластер таъсисчиси Магомед Костоев келиб, унга ва илгор теримчиларига кимматбахо совалар топширгани бежис эмас. Бундан фермер хўжалиги раҳбари, теримчи ва хўжалик ишиларининг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Гулираённонинг фермер хўжалиги буғун эрта шартнома режасини бажаради. Ба ўйл 31 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан олинган хосилдорликни 57 центнерга етказмоқчи. Ҳали кўр уриммаган 50 фойздан ортиқ ерда биринчи терим турибди. Теримиларга тарозининг бошша терим пуллари нақд санаб берилти.

Ба ўйл 150 тоннадан ортиқ, пахта сотмоқчимиз. Максадимиз ўйлида фидомийлик билан меҳнат қиласётган Турдикон Ҳасанова, Одина Тўйибове, Солиҳон Мадолимова каби теримчилардан, мен билан елкама-елка туриб, кимматли маслаҳатлар берабётган даамдан беҳад миннатдорман, — дейди Гулираённо Холиковга.

"Интилганга толе ёр", дейдилар. Риштонда авҳига чиқкан буғунги терим симфонияси бу гапнинг нақадар тўғури эканлигини исботлашадек, туман пахтакорларининг эришажак меҳнат зафаридан дарак берилди.

**Абдужалил БОБОЖОНОВ.  
Элёр ОЛИМОВ  
олган суратлар.**



## ДУНЁДА НИМА ГАП?

МАМЛАКАТИМИЗ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ  
БМТ СЕССИЯСИДА СЎЗГА ЧИҚДИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Буш Ассамблеясининг 77-сессияси умумий мунозарасида сўзга чиқди.

Делегациямиз раҳбари ўз нутқида БМТнинг глобал ва минтақавий муммилорни ҳал қилишдаги марказий ролини кучайтиришни мумхилигинга ўзи ҳам содир бўлаётган ўзгаришларга самарали жавоб бериси учун ривоҷланлиши кераклигини таъqidлади.

— Ҳеч бир мамлакат глобал хавф ва қийинчиликдан кочиб кутула мулайди ёки уларни ёғиз ўзи ҳал қила олмайди. Инқизотининг хавфли спиралидан чиқиши барча мамлакатлар манбафатини хисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган конструктив мулокотда, кўп то-

монлама ҳамкорликда кўринади. Дунё янада барқарор, башорат килинадиган бўлиши ва гуллаб-яшнаши учун самарали ҳалкаро ҳамкорлик зарур, — деди В.Норов.

Тамадунларлари ва маданиятларо мулокотни ўрнатиш, ҳар қандай муммилога изчил ёндашади. Бундандан кўзланган максад халқари муносабатда ўзаро ишонч ва барқарорликни тиклашга кўмаклашиби, шунингдек, геосиёсий рақобат, мағкурарвий қараш-кашилик ва тортишдан холи кенг мулокотни йўлга кўйиш орқали бирдамлики мустаҳкамлашдан иборат.

2023 йили Самарқанд форумда мамлакатимиз етакчиси ташаббусини амалга ошириш масаласини биргалиқда кўриб чиқиш таклиф қилинди.

ЎзА.

ХИТОЙДА ҲАМ ЙИГИМ-ТЕРИМ  
АВЖИ ПАЛЛАДА

Ўзбекистон пахта етиширирувчи энг йирик давлатлар ўртасида олтинчи ўринни ёгаллаб турибди. Ҳиндистон, Хитой, Покистон, АҚШ ва Бразилия етакчи 5 та давлатлар сиасига киради.

Дунё пахтасининг 25 фойзидан кўпроғи, яни йилига тахминан 6,5 миллион тонна пахта Хитойда етишириллади. Мухим жиҳати шундаки, мамлакат пахта хомашёсини дарёли экспорт килимайди, тўлиғинча ўзида қайта ишланаади. Колаверса, хориждан ҳам пахта импорт килиади. Ўзбек пахтасини харид қилаётган хитойликлар унинг сифати учун кўшимча ҳақ тўлайди.

Хитойнинг асосий пахта майдонлари Шинжон-Үйғур автоном туманида жойлашган. Бу ҳудудда яшайдиган

маҳаллий халқ азалдан миришкор дехқонлар бўлиб, сифатли пахта етиширишнинг ҳаддини олишган. Ҳосил асосан машиналарда териб олинади.

Шу кунларда автомон туманинг йиғим-терим ишлари авжи паллага кирди. Энг сўнгига русумдаги терим машиналарининг "гумбури" кечак-юндуз тингани йўқ. "Ҳосил қанчалик тез йиғишириб олинса, унинг сифати шунчалик юкори бўлади", дейди хитойликлар.



## ЭЪЛОНЛАР

Марғилон педагогика коллежи 2015 ўкув йилида тамомлаган Қодирова Шахлохон Ақмалжон кизи номига берилган К 393689 ракамили диплом йўқолганилиги сабабли.

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона ихтиослаштирилган санъат мактаби (собиқ Фарғона шаҳар санъат коллежи)ни 2011 ўкув йилида тамомлаган Аҳмедов Соҳибжон Амин ўғли номига берилган К 1766715 ракамили диплом йўқолганилиги сабабли.

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона касб-хунар мактаби (Фарғона тиббий коллежи)-ни 2020 йилда тамомлаган Абдуқодирова Дурданоҳон Мирзоҳид кизи номига берилган К 593299 ракамили диплом йўқолганилиги сабабли.

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона тумани, Чекшўра кўчаси, 1-йўдай жойлашган "Turon - mega-n fayzil" масъулиятни чекланган жамияти номига берилган думалок мурх йўқолганилиги сабабли.

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона давлат университети 2007 йилда тамомлаган Ахунжанова Мавлудаҳон Турсуналиевна номига берилган В 034791 ракамили дубликат диплом йўқолганилиги сабабли.

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Тошкент темир йўл транспортни касб-хунар коллежи)ни 2020 йилда тамомлаган Журханов Зикрилло Авазбек ўғли номига берилган К 5973907 ракамили диплом йўқолганилиги сабабли.

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

